

2/2022,
mart-aprel
(№ 00058)



СУҒУРТА ТАШКИЛОТЛАРИДА МОЛИЯВИЙ ХИСОБОТЛАРНИ ТУЗИШ МУАММОЛАРИ ВА ЕЧИМЛАРИ

Эргашева Муқаддас Шухрат қизи

*Тошкент давлат иқтисодиёт университети «Бухгалтерия ҳисоби»
кафедраси таянч докторанти. Тошкен, Ўзбекистон.*

muqaddas.ergasheva.95@bk.ru

Article DOI: 10.55439/EIT/vol10_iss2/a7

Аннотация

Мақолада суғурта ташкилотларида молиявий ҳисоботларни ташкил этишнинг долзарб масалалари, муаммолар ва уларнинг ечимлари ўрганилган. Жумладан, суғурта кампанияларида бухгалтерия ҳисобини ташкил этишда таъсир этувчи муаммолар ва уларнинг ечимлари билан боғлиқ масалалари тадқиқ этилган.

Калит сўзлар: суғурта ташкилоти, молиявий ҳисобот, молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартлари, молиявий натижалар ҳисоби, даромад ва харажатлар.

Аннотация

В статье рассматриваются актуальные вопросы, проблемы и пути их решения при организации финансовой отчетности в страховых компаниях. В частности, изучаются проблемы, влияющие на организацию учета в страховых компаниях и вопросы, связанные с их решением.

Ключевые слова: страховая компания, финансовая отчетность, международные стандарты финансовой отчетности, учет финансовых результатов, доходы и расходы.

Abstract

The article discusses topical issues, problems and ways to solve them in the organization of financial reporting in insurance companies. In particular, the problems affecting the organization of accounting in insurance campaigns and issues related to their solution are studied.

Keywords: insurance company, financial statements, international financial reporting standards, accounting of financial results, income and expenses.

Кириш

Мамлакатимизда молия бозорини янада ривожлантириш, аҳолини сифатли молиявий хизматлар билан қамраб олиш кўламини кенгайтириш, суғурта ташкилотлари фаолиятини қўллаб-қувватлаш, шунингдек ушбу соҳада истеъмолчиларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш учун қулай шарт-шароитлар яратиш чора-тадбирлари изчил амалга оширилмоқда.

Республикада амалга оширилаётган кенг сонли ислоҳотларнинг замирида албатта, миллий иқтисодиёт ва унинг тармоқларини замонавий кўринишга келтириш ва натижада юқори даромад олиш мақсади туради. Шу боисдан иқтисодиётимизнинг барча соҳаларида жумладан суғурта соҳасида ҳам

молиявий ҳисобнинг халқаро стандартларни жорий қилиш кераклигини талаб қилади.

Президентимиз томонидан суғурта ташкилотларида молиявий ҳисоботларни янада такомиллаштиришга оид Фармон ва Қарорлар (ПФ-5635, ПҚ-4412, ПҚ-4611) имзоланди.

Жумладан, ПҚ-4412 «Ўзбекистон Республикасининг суғурта бозорини ислоҳ қилиш ва унинг жадал ривожланишини таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида» ПҚ-5265 «Суғурта бозорини рақамлаштириш ва ҳаёт суғуртаси соҳасини ривожлантириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 24 февралдаги «Молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартларига ўтишнинг қўшимча чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ-4611-сонли Қарори қабул қилинди, унда, МҲХСни ва мазкур соҳада кадрларни тайёрлашнинг замонавий усуллари босқичма-босқич жорий этиш юзасидан тасдиқланган «Йўл харитаси»да барча зарур чора-тадбирлар қамраб олинган. Шунга мувофиқ, суғурта ташкилотлари томонидан эълон қилинадиган молиявий ҳисоботлар сифати халқаро тамойилларга мувофиқлиги назоратини ўтказиш бизга қўйидаги устувор вазифаларни беварида берди.

Молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартлари (МҲХС)га ўтишни жадаллаштириш орқали хорижий инвесторларни зарур ахборот муҳити билан таъминлаш ва халқаро молия бозорларига кириш имкониятларини кенгайтириш, шунингдек, ҳисоб ва аудит соҳалари мутахассисларини халқаро стандартлар бўйича тайёрлаш тизимини такомиллаштиришга эътибор қаратилган.

Шунингдек, суғурта ташкилотларида молиявий ҳисоботларни янада такомиллаштиришда жаҳон тажрибасида синовдан ўтган молиявий ҳисоб усуллари амалиётга татбиқ этиш долзарб масалалардан бўлиб ҳисобланади.

Мавзуга оид адабиётлар таҳлили

Суғурта ташкилотларида молиявий ҳисоботларни ташкил этишнинг долзарб масалалари, муаммолар ва уларнинг ечимлари қатор олимларни илмий ишлари ва адабиётларда ўз аксини топган. Иқтисодчилар орасида суғурта ташкилотларида молиявий ҳисоботларни ташкил этишнинг долзарб масалалари, муаммолар ва уларнинг ечимлари ҳақида умумий тушунча мавжуд эмас.

Танланган тадқиқот мавзуси доирасида суғурта ташкилотларида молиявий ҳисоботларни ташкил этишнинг долзарб масалалари, муаммолар ва уларнинг ечимлари моҳиятини ва мақсадини, чуқур таҳлил қилишни талаб этади. Иқтисодиётнинг суғурта ташкилотларида молиявий ҳисоботларни ташкил этишнинг долзарб масалалари, муаммолар ва уларнинг ечимларини тадқиқ этиш борасида бир қанча илмий изланишлар олиб борилмоқда.

Шеннаев Х. М (2020) суғурта фаолиятини тартибга солишнинг халқаро тажрибаси АҚШ, Европа Иттифоқи ва унга аъзо-давлатлар, чунончи, Буюк Британия, Германия ҳамда Осиёнинг тараққий этган давлатлари Япония ва Хитой мисолида тадқиқ этилган. Шунингдек, мақолада глобализация шароитида жаҳон миқёсида суғурта фаолиятини тартибга солиш билан боғлиқ ўзгариш ва тенденциялар таҳлил этилган. Тадқиқот натижаларига асосланган ҳолда суғурта фаолиятини тартибга солишнинг илғор ва замонавий шакллари Ўзбекистон

суғурта фаолияти амалиётида қўллаш бўйича таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқилган [1].

У.Раджабов (2021) суғурта ва суғурта фаолиятига оид тушунчалар, суғурта фаолияти билан боғлиқ мавжуд назарий қарашлар бозор иқтисодиёти талабларидан келиб чиққан ҳолда янгича мазмун касб этганлиги алоҳида таъкидланган. Суғурта заҳиралари, уларни шакллантириш тартиблари очиқланган. Суғурта заҳиралари ҳисоб-китоби суғурталовчининг ҳисоб ва ҳисобот маълумотларига асосланган ҳолда амалга оширилиш кераклиги ўрганилган. Суғурта бозори иштирокчиларининг молиявий фаолияти натижалари, суғурта компанияларининг молиявий барқарорлик кўрсаткичлари, суғурта қонунчилигининг ҳозирги ҳолати ҳамда бошқа суғурта ишига оид норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар таҳлил қилинган [2].

Очилов И.К (2017) суғурта ташкилотларида суғурта ҳодисалари рўй бериши натижасида етказилган зарарларни тўлаш жараёни оператив амалга ошириш учун суғурта даъволари бўйича тақдим этилган ҳужжатларни ўрганиб, мол-мулкка етказилган зарар миқдорини аниқлаш ҳамда суғурта қопламаларини тўлаш бўйича молиявий мажбуриятларни бажариш, зарарларни бартаараф этиш бўйича харажатларни аниқлаш ва уни счётларда акс эттиришни такомиллаштириш масалалари ёритилган [3].

Бизнинг фикримизча суғурта ташкилотларининг ривожланишида бухгалтерия ҳисобнинг муҳим аҳамият касб этади чунки суғуртачининг молиявий таназзули кўплаб суғурта қилдирувчиларнинг манфаатларига таъсир курсатади. Шу сабабли ҳам суғурта фаолияти ҳисобида асосий эътиборни суғурта ташкилотининг молиявий барқарорлигини таъминлаш, молиявий ҳисоб-китобларини тўғри олиб боришга қаратилган ҳамда бухгалтерия ҳисоби тизимини халқаро стандартлар асосида такомиллаштириш муҳим деб ҳисоблаймиз.

Тадқиқот методологияси

Тадқиқот ишини бажаришда кузатиш, маълумотларни тўплаш, умумлаштириш, гуруҳлаш, таққослаш, маҳаллий ва хорижий олимларнинг хизматлар соҳасидаги иқтисодий муносабатлар ва пандемия ва унинг суғурта соҳасига таъсири, муаммолар ва уларнинг ечимларига бағишланган тадқиқотлари, соҳани тартибга солувчи қонунлар, меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларни ўрганиш асосида пандемия ва унинг суғурта соҳасига таъсири, муаммолар ва уларнинг ечимларига қаратилган хулоса ва таклифлар шакллантирилган.

Таҳлил ва натижалар муҳокамаси

Суғурта соҳасининг мамлакатимизда 2019-2020 йилларда ялпи ички маҳсулотдаги улуши атига 0.4 фоизни ташкил етоқда. Аҳолига жон бошига тўғри келадиган суғурта мукофотлари 28 минг сўмни ташкил этмоқда ва бу жуда паст курсаткич ҳисобланади. Бунинг асосий сабабларидан суғурта хизматлари етарли даражада жозибадор емаслиги, суғурта муносабатларида барча томонларнинг ҳуқуқлари бир хил эмаслиги юридик ва жисмоний шахсларнинг суғуртага ишончини оширишга тусқинлик қилмоқда.


Бозор муносабатларини чуқурлаштириш ва мамлакатимизни модерни-затциялаш шароитида суғурта ташкилотлари томонидан суғурталаш хизматларини кўрсатиш соҳасидаги фаолияти янада ривожлантирилмоқда.

Бунга мисол сифатида куриш мумкинки, ҳозирги кунда мамлакатимизда суғурта бозорида 40 та суғурта ташкилоти, 5 та суғурта ва қайта суғурта брокери, 22 та ассистанс, аджастер ва сюрвеер, 5 та актуарий, 8,9 мингдан ортиқ суғурта агенти фаолият курсатиб келмоқда. Шу ўринда суғурта ташкилотларининг ҳисобини халқаро даражага мослаш муҳим ҳисобланади.

Молиявий ҳисоботларни тайёрлаш ва тақдим этишнинг халқаро амалиётида қуйидаги 1-расмда ҳисобот шакллари тузилиши белгиланган.

1-расм

Молиявий ҳисобот шакллари ва уларнинг элементлари¹




Суғурта ташкилотларида ушбу расимда курсатиб ўтилган молиявий ҳисобот шаклларида келтирилган элементлари тўғрисидаги маълумотларни молиявий ҳисобот фойдаланувчиларига етказиб беради.

Ўз навбатида суғурта ташкилотларида молиявий ҳисоботларни халқаро стандартларга мослаб тузиш ва тақдим этишда фойдаланувчилар муҳим ҳисобланади (2-расм).

Суғурта ташкилотларининг хўжалик маблағларининг муҳим манбаси хусусий капитал ҳисобланади. Ушбу манба асосан суғурта фаолиятдан олинган сўнги молиявий натижа, яъни фойда ҳисобидан кўпайтириб борилади. Шунинг учун ҳам молиявий натижалар тўғрисидаги ҳисобот муҳим объекти ҳисобланади. Суғурта

¹ Муаллиф ишланмаси

ташкilotлари молиявий натижалари даромадларга ва харажатларга бевосита боғлиқ бўлиб, мавжуд ресурслардан самарали фойдаланиши керак. Акс ҳолда уларнинг фаолиятида юқори натижаларга эришиб бўлмайди. Шунинг учун даромадлар, харажатлар, уларнинг турлари ва келиб чиқиш манбалари доимий равишда назорат қилиб борилади.



2-расм. Суғурта ташкilotларининг молиявий ҳисоботидан фойдаланувчилар²

Суғурта ташкilotларининг молиявий натижалари ҳисоби молиявий ҳисоботнинг таркибий қисми бўлган молиявий натижалар, яъни, суғурта ташкilotининг фойда ёки зарар шаклида ифодаланган фаолиятининг пировард иқтисодий якунидир, даромадлари ва харажатлари тўғрилигини тасдиқлаш бўйича ишларини олиб бориш, молиявий натижалар тўғрисидаги ҳисобот(2-шакл)нинг тўғри ва асосли тўлдирилганлигини тaminлашдан иборат³.


Суғурта ташкilotларида асосий даромад ва харажатлар ҳисоби ўзига хослиги билан фарқ қилади. Суғуртани амалга ошириш, қонунчиликда ман этилмаган бошқа фаолият билан шуғулланиш натижасида ҳисоб рақамига келиб тушган пул маблағларининг жами унинг даромади ҳисобланади⁴. Суғурта ташкilotларида даромадлар қўйидагича таркибланади.

Суғуртачининг жами маблағлар сарфи суғурта “маҳсулоти” таннархини ташкilot этади. У амалдаги меъёрий ҳужжатлар асосида тартибга солинади ҳамда суғуртачи харажатларининг таркибини белгилаши учун асос ҳисобланади.

² Муаллиф ишланмаси

³ Тулаходжаева М.М. ва бошқалар. Аудит. Дарслик. - Т.: Иқтисодиёт, 2018.

⁴ Шеннаев Х.М. ва бошқалар Суғурта иши. Ўқув қўлланма. -Т.: Тафаккур бўстони, 2014 .



2- расм. Суғурта ташкилотлари даромадларининг манбалари ва таркиби⁵

Солиққа солиш базасини аниқлашда суғуртачининг жами харажатлари ва уларнинг таркибини аниқлаштириш ҳам талаб этилади. Суғурта ташкилотлари харажатларини қуйидаги 3- расмда кўриш мумкин.



3-расм. Суғурта ташкилотлари харажатлари таркиби⁶

⁵ Муаллиф ишланмаси

⁶ Муаллиф ишланмаси

Суғурта ташкилотларида молиявий натижалар ҳисоби маълум хусусиятларга эга бўлиб, улар қуйидагилардан иборат :

- молиявий натижалар тўғрисидаги ҳисобот алоҳида тарзда ёки суғурта ташкилотининг бошқа операциялари (кўрсаткичлари) билан бир вақтнинг ўзида текширилиши мумкин;

- молиявий натижалар тўғрисидаги ҳисобот суғурта ташкилоти ҳисоб сиёсатининг якунловчи қисми ҳисобланади, шунинг учун молиявий натижалар тўғрисидаги ҳисобот самарадорлиги бошқа кўрсаткичлар натижаларига бевосита боғлиқ бўлади;

- молиявий натижалар ҳисоби аниқ ва маълум даврни ўз ичига олади, ушбу давр ҳисобот турига (жорий, йиллик ҳисоботларга) бевосита боғлиқдир.

- молиявий натижалар тўғрисидаги ҳисоботларнинг таркиби мулк шаклларига қараб мазмунан фарқ қилади.

Хулоса ва таклифлар

Хулоса қилиб айтиш мумкинки ташқи бозорларга чиқиш, халқаро савдо ва тижоратни йўлга қўйиш, жаҳон фонд бозорида иштирок этишда молиявий ҳисоботларни ҳам барча учун бир хил шаклда ва мазмунда чоп этиш зарур деб ҳисоблаймиз.

Суғурта ташкилотларида бухгалтерия ҳисобини хўжалик субъектларда қўлланилиши улар фаолиятини тезкор ва истиқболли бошқаришда асосий ўринлардан бирини эгаллаши, халқаро стандартлар талабларига тўлиқ мувофиқлаштириш имкониятларини беради.

Олиб борилган тадқиқотлар натижасида муаллиф томонидан суғурта ташкилотларида молиявий ҳисоботларни ташкил этишнинг бухгалтерия ҳисобини такомиллаштириш билан боғлиқ муаммоларни бартараф этишга қаратилган ечимлари таклиф этилди:

Суғурта ташкилотларида бухгалтерия ҳисобини халқаро стандартларга мослаштириш;

Суғурта ташкилотларида молиявий натижаларни шакиллантиришда даромад, харажатларни, фойда ва зарар тушучалари, уларнинг мазмун-моҳиятига муҳим эътибор қаратилди;

Суғурта ташкилотларида молиявий ҳисобот шакилланини тўлдиришни такомиллаштириш мақсадга мувофиқ деган хулоса қилинди.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Шеннаев Х.М. “Суғурта иши” ўқув қўлланма 2020й
2. Раджабов У. “Суғурта компанияларининг суғурта заҳираларини шакллантириш ва улардан самарали фойдаланиш йўналишлари.” 2021й
3. Очиллов И.К. “Суғурта ташкилотларида бухгалтерия ҳисоби ва молиявий таҳлил методологиясини такомиллаштириш.” ўқув қўлланма. 2022й
4. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси. 8 декабрь 1992 йил (ўзгартириш ва қўшимчалар билан).
5. Ўзбекистон Республикаси “Бухгалтерия ҳисоби тўғрисида” ги Қонуни. №404. 2016 йил 13апрель.

6. Ўзбекистон Республикаси «Аудиторлик фаолияти тўғрисида» ги Қонуни (янги таҳрир). - Т.: 2021 йил 25 май (ўзгартириш ва қўшимчалар билан).

7. Ўзбекистон Республикасининг “Суғурта фаолияти тўғрисида” ги Қонуни. 358-II-сонли– “Халқ сўзи”. 2002 йил 5 апрель.

8. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартларига ўтиш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида »ги ПҚ-4611-сон қарори. 2020 йил 24 февраль.

9. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирининг 2005 йил 20 июлдаги 65-сон буйруғи билан “Суғурта ташкилотлари томонидан харажатлар таркиби ва молиявий натижаларни шакллантиришнинг ўзига хос хусусиятлари тўғрисидаги НИЗОМ”. (Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида 2005 йил 18 октябрда 1517-сон билан рўйхатга олинган).

10. Ўзбекистон Республикаси молия вазирининг 2009 йил 19-мартдаги "Суғурта ташкилотларида молиявий ҳисобот шакллари ва уларни тўлдириш бўйича қоидаларни тасдиқлаш тўғрисида"ги 37-сон буйруғи (ЎзР АВтомонидан 20.04.2009 йилда 1945-сон билан рўйхатдан ўтказилган).

11. Винникова И.С. Финансовый анализ страховых организаций. Учебное пособие. – Н. Новгород: ВГИПУ, 2017.

12. Тулаходжаева М.М. ва бошқалар. Аудит. Дарслик. - Т.: Иқтисодиёт, 2018.

13. Шеннаев Х.М. ва бошқалар Суғурта иши. Ўқув қўлланма. -Т.: Тафаккур бўстони, 2014.